371
Н-59.

Д. НАФАСОВ, Ш. ЯКУБОВА,
Х.САЛАВАТОВА

# ИЖТИМОИЙ ПЕДАГОГИКА

371,

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР
ВАЗИРЛИГИ

ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

Д.НАФАСОВ, Ш.ЯКУБОВА, Х.САЛАВАТОВА

-14051/2-

# ИЖТИМОИЙ ПЕДАГОГИКА

## ДАРСЛИК

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA'LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI CHIRCHIQ DAVLAT PEDAGOGIKA UNIVERSITETI AXBOROT RESURS MARKAZI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA'LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI CHIRCHIQ DAVLAT PEDAGOGIKA UNIVERSITETI AXBOROT RESURS MARKAZI 1-FILIALI

«Yangi chirchiq prints» нашриёти

Тошкент - 2023

УДК 371
КБК: 74

**Д.Нафасов, Ш.Якубова, Х.Салаватова. Ижтимоий педагогика. Дарслик. – Т.: “Yangi chirchiq prints”, 2023. 130 б.**

Мазкур ўқув қўлланма нопедагогик олий таълим муассасалари барча таълим йўналишлари талабалари учун мўлжалланган бўлиб, унда биринчидан, узлуксиз таълим тизимида давлат сиёсатининг моҳияти, мазмуни, тамойиллари ва хусусиятларини ўрганиш; иккинчидан, узлуксиз таълим тизимининг моҳияти, турлари ижтимоий ва касбий асосда ўрганиш; *учинчидан*, шахс ривожланиши ва шаклланишининг моҳиятини ва қонуниятларини ўрганиш ва уларнинг тарбия жараёнига таъсирини таҳлил қилиш; *тўртинчидан*, инновацион метод, воситалар, шакллар ва таълим мақсадларини ишлаб чиқиш ва таҳлил қилиш; *бешинчидан*, педагогика ва ўқитиш жараёнлари, таълим мазмуни ва тарбия назарияси ҳамда таълим ва тарбиянинг методларини ўрганиш; *олтинчидан*, психологик тушунчалар, категориялар, қонуниятлар, психик жараёнлар ва уларнинг тоифаланишини ўрганиш; *еттинчидан*, талабаларнинг келгуси иш фаолиятларида ишбилармонлик мулоқоти тўғрисида тушунчаларга эга қилиш ва уларда зарур кўникмаларни ҳосил қилиш; *саккизинчидан*, бўлажак мутахассисларни педагогик-психологик билим, кўникма ва малакаларини ривожлантириш, уларнинг касбига бўлган қизиқишларини янада чуқурлаштириш, баркамол шахс қилиб тарбиялаш каби билимлар фанининг ўқув дастури асосида маъруза машғулотлари ҳамда амалий машғулотлар мавзулар кетма-кетликда баён этилган бўлиб, талабаларнинг билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантиришга замин яратади.

**Тақризчилар:**

| | | |
|---|---|---|
| Ш.Ботирова | - | ЧДПУ Бошланғич таълим факультети Бошланғич таълим назарияси кафедраси мудири, доцент, педагогика фанлари доктори |
| Ш.Мардонов | - | Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти профессори, педагогика фанлари доктори |

***Дарслик Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2023 йил 27 мартдаги 68-сонли буйруғига асосан нашр этишга рухсат берилган.***

**© Д.Нафасов ва бошқ., 2023.**
**© «Yangi chirchiq prints» nashriyoti, 2023.**

## МУНДАРИЖА

**КИРИШ**.............................................................................
1. **ПЕДАГОГИКА ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ**..........................................................
1.1. Педагогика бу нима? Педагогика фанининг предмети............
1.2 Педагогик моделлар. Продуктив педагогика. Педагогик моделларнинг таълимга қўядиган талаблари. Мултисаводхонлик модели. ......................................................
1.3 Педагогик фанлар тизими. Педагогиканинг тармоқлари. Иқтисодий педагогика - педагогика фанининг бир тармоғи сифатида..............................................................................
2. **ТАРБИЯ НАЗАРИЯСИ** ........................................................
2.1 Тарбия тушунчаси. Тарбия жараёни........................................
2.2 Тарбия методлари. Тарбия қонуниятлари ва тамойиллари. ......
2.3 Тарбия турлари. Ақлий, аҳлоқий, жисмоний, меҳнат, иқтисодий, экологик тарбия. Оила тарбияси.........................
2.4 Шарқ мутафаккирларининг тарбия ҳақидаги қарашлари..........
3. **ТАЪЛИМ НАЗАРИЯСИ. ТАЪЛИМ СТРАТЕГИЯЛАРИ..**
3.1 Замонавий таълим-тарбия тизими. Дидактика тушунчаси. Таълимнинг функциялари, категориялари. Дидактик тамойиллар. ...........................................................................
3.2 Таълим стратегиялари. Блум таксономияси. ............................
3.3 Ҳамкорликда ўқитиш. Конструктивизм.....................................
3.4 Таълим мазмуни, ташкилий шакллари, метод ва воситалари...
3.5 Ривожланган мамлакатлар таълим тизимининг ўзига хосликлари..........................................................................
4. **ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГ МОДЕЛИ**..............................
4.1 Педагог шахси. Педагогга қўйиладиган замонавий талаблар................................................................................
4.2 Сифатли ўқитувчи тушунчаси. Роберт Гленннинг "Ўқитувчилар нима қилиши керак?" номли асари. ...............
4.3 Замонавий педагог модели.........................................................
5. **ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**........................................
5.1 "Технология", "Инновацион технология", "Педагогик технология" тушунчалари, уларнинг ўзаро фарқлари..........
5.2 Таълим технологияси нима?, таълим технологиясининг хусусиятлари..........................................................................
5.3 Ўқитиш услублари ва техникалари. Ўйин орқали ўрганиш, Ўйин орқали ўрганиш, ролли ўйин, ақлий хужум, мавзувий ўқитиш, умумлаштирилган ўқитиш, ҳикоя сўзлаш, ёрдамчи кўникмалар, муҳокама усули, талаб услуби, муаммони ечиш (муаммоли таълим), аъло даражада ўрганиш...........................

## КИРИШ

Бугунги янги Ўзбекистонни қуришда олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш долзарб масала қаторида ўз аксини топмоқда.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан то ҳозирги даврга ижтимоий соҳа, хусусан олий таълим тизимига алоҳида эътибор билан қаралиб келинмоқда. “Таълим тўғрисида” ги Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури юқори малакали кадрлар тайёрлаш учун дустури амал бўлмоқда.

Бу борада юқоридаги меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар асосида Республикада иқтисодчи кадрлар тайёрлаш борасида амалга оширилаётган ишлар таҳсинга лойиқ. Бугунги кунда Ўзбекистонда олий таълим тизимида олий ҳарбий билим юртларидан ташқари 119 та олий таълим муассасалари мавжуд бўлиб, уларнинг таркибида 7 та академия, 58 та университетлар ва 5 та олий диний таълим муассасалари ҳамда филиаллари фаолият юритмоқда[1]. Фаолият олиб бораётган 119 та олий таълим муассасасаларида кадрлар тайёрлашнинг замонавий таълим йуналишлари ва мутахассисликлари ҳамда сиртқи ва кечки бўлимларнинг очилиши, олий таълим муассасаларига қабул квоталарининг оширилиши мазкур йуналишдаги муҳим ислоҳотлар ҳисобланади.

Кадрлар тайёрлаш сиёсатида Педагогика ва Психология фанларининг аҳамияти бениҳоя каттадир. Тайёрланаётган мутахассислар энг аввало, педагогик-психологик билимларга эга бўлиши зарур. Чунки, инсонни ҳар томонлама тарбиялаш инсониятнинг азалий орзуси бўлиб, аждодларимиз маърифат ва маданиятни қандай қилиб ёш авлодларга ўргатиш, уларни комилликка етаклаш йўллари, қонун-қоидаларини излаганлар. Инсонларни маърифатли ва маънавий комил бўлиши - педагогика фанини асосий мақсади

[1] https://kun.uz/- https://stat.uz/



бўлиб келган. Шунингдек, руҳий ҳолати, ички кечинмалари ва дунёқараши, тафаккури, психик ривожланишида психологиянинг ўрни аҳамиятлидир.

Муаллифлар жамоаси томонидан тайёрланган мазкур ўқув қўлланма педагогик олий ўқув юртлари, профессионал таълим муассасалари, академик лицей талабалари ва таълим-тарбия билан доимий шуғулланувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган бўлиб, унда асосий эътибор «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талабларидан келиб чиққан ҳолда, таълимнинг мазмуни, таълимнинг ташкилий шакллар ва методлари, Ўзбекистонда таълим тизими, шахсни шаклланишида таълим-тарбиянинг ўрни, шарқ мутафаккирларининг педагогик қарашлари, ўз-ўзини бошқариш педагогикаси, хорижий мамлакатлар педагогикаси, шунингдек, психологиянинг предмети, мақсад вавзифалари, фаннинг ривожланиш босқичлари, психологиянинг асосий тармоқлари, шахс ва унинг индивидуал ривожланиши, унга таъсир этувчи омиллар кабиларга педагог ҳамда психологларнинг олиб борган илмий тадқиқот-изланишлари асосида эътибор қаратилган.

Мазкур ўқув қўлланмани тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони[2], Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони[3], Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарори[4], 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. https://lex.uz/

[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони. https://lex.uz/

[4] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори. https://lex.uz/

мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иктисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3151-сонли Қарори[5] ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"[6]ги ПҚ-3775-сонли қарорлари методологик асос сифатида хизмат қилган.

Шунингдек, мазкур ўқув қўлланмада хориж олимлари Lea Chapuis. (Pedacocy. Embedding Learning Technologies) Charles Stangor (Introduktion to Psychology) номли ўқув қўлланмаларидан таржима асосида кенг фойдаланилган бўлиб, муаллифлар томонидан кўргазмали шаклда тайёрланган.

[5] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3151-сонли Қарори. https://lex.uz/

[6] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3775-сонли Қарори. https://lex.uz/



## 1- МАВЗУ. ПЕДАГОГИКА ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

**1.1. Педагогика бу нима? Педагогика фанининг предмети.**

**1.2. Илмий педагогик тушунчалар. Таълим, тарбия, билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш.**

**1.3. Педагогик моделлар. Продуктив педагогика. Педагогик моделларнинг таълимга қўядиган талаблари. Мултисаводхонлик модели.**

**1.4. Педагогик фанлар тизими. Педагогиканинг тармоқлари.**

### 1.1.Педагогика бу нима? Педагогика фанининг предмети

Келажаги буюк давлатни қураётган кишиларнинг тафаккури, янги иқтисодий муносабатларни тиклашга, моддий неъматлар ишлаб чиқаришга астойдил киришиб доимо ёниб яшаш ҳисси билан суғорилган бўлиши лозим. Мана шундай ижобий хислатларга бой инсонни тарбиялаш педагогика ўқув юртларининг, укув муассасаси, лисей, гимназия, коллеж, институт ва университетларнинг асосий вазифаси ҳисобланади.



***«Тарбия биз учун ё ҳаёт. ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир».***

**А. Авлоний**